

№36
(1470)
2023 YIL
21-СЕНТЯБРЬ

O'ZBEKISTONDA SOG'LIQNI SAQLASH

ЗДРАВООХРАНЕНИЕ
УЗБЕКИСТАНА



z.me/o'zbekistondasog'liqni saqlash

IJTIMOY-SIYOSIY GAZETA ♦ 1995 YIL OKTYABR OYIDAN CHIQA BOSHLAGAN

ТИББИЁТДАГИ МУҲИМ ЯНГИЛИК

ИЛК БОР БОШ МИЯ ЎСМАЛАРИНИ МИКРОСКОП ОРҚАЛИ ОЛИБ ТАШЛАШ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

Сўнгги йилларда юртимиз тиббиёти, жумладан, нейрохирургия соҳаси жадал ривожланиб бормоқда.



Айниқса, ушбу хизматнинг вилоятларда вертикал тизимининг йўлга қўйили-

ши, жойларда юқори технологик жарроҳлик амалиётларининг ўтказилиши ва тиббиёт муасса-

салари энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиши аҳолига мазкур йўналишда юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатилишига замин яратмоқда.

Қолаверса, бугунги кунда ёш нейрохирургларнинг хорижда малака ошириши фаол қўллаб-қувватланыпти. Бу эса уларга замонавий билим ва кўникмаларга эга бўлиб, кейинчалик ўз тажрибаларини мамлакатимиз тиббиётига татбиқ этиш ва касбий маҳоратини оширишга хизмат қилмоқда. 2023 йил марказ амалиётига 3 турдаги, вилоят даражасида 11 турдаги янги жарроҳлик ва диагностика усуллари татбиқ қилинди. Мисол учун, худудларда илк бор краниоцervикал ўтишнинг декомпрессияси, чуқур жойлашган бош миЯ ўсмаларини микроскоп ёрдамида олиб ташлаш, умуртқа поғонаси жароҳатида янги стаби-

лизация воситаларини қўллаш, умуртқа олди пластиналарини ўрнатиш усуллари, болаларда миЯда сув йиғилишини бартараф этиш каби юқори технологияли жарроҳлик амалиётлари йўлга қўйилди.

2022 йилда марказнинг 5 нафар мутахассиси хорижда юқори технологик амалиётлар учун қайта тайёрланган бўлса, жорий йилнинг биринчи ярмида дунёнинг етакчи клиникаларида 10 нафар шифокорларимиз ўз касбий маҳоратини ошириб қайтди. Қолаверса, бу йил кўплаб хорижлик нейрохирурглар юртимизга таширф буюриб, маҳаллий мутахассислар билан биргаликда операциялар ва маҳорат дарсларида иштирок этди.

Айтиш лозим, сўнгги йилларда марказда бажарилаётган жарроҳлик амалиётлари сони ортиб,

2021 йилда 11 460 та, 2022 йилда 12 277 тани ташкил этди. Бундан ташқари, охириги 5-6 йил ичида 9 та янги жарроҳлик операциялари ўзлаштирилди. Эпилепсия, бош миЯ фалажи, инсультни олдини олиш ва ўткир даврида даволаш, болаларда ретинобластома каби онкологик касаллигини қон томир орқали химиотерапия қилиш, бош миЯ ўсмаларини беморларни уйғоқ ҳолатида ўтказиш каби мураккаб операциялар шулар жумласидан.

Бу эса юртимизда нейрохирургия ёрдами сифатининг сезиларли даражада яхшиланишига хизмат қилмоқда.

Файрат КАРИЕВ,
Республика
ихтисослаштирилган
нейрохирургия илмий-
амалий тиббиёт маркази
директори, профессор.

ЎЗБЕКИСТОН – ЯПОНИЯ

ЯПОНИЯ ТИББИЙ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ЎРНАТИЛДИ

Самарқанд давлат тиббиёт университети делегациясининг Японияга таширфи давомида мамлакатнинг бир қатор олий таълим муассасалари ва корхоналари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди.



Хусусан, халқ табobati йўналишида ҳамкорликни амалга ошириш мақсадида до-ривор ўсимликларни тиббиёт соҳалари учун қайта ишлаб чиқаришга ихти-сослашган Токио шаҳридаги "Tsumura Co" компанияси президенти Теруказу Като билан музокаралар олиб борилди. Учрашув давомида университет ҳамда компания ўртасида илмий алоқа ўрнатишга келишиб олинди.

Шунингдек, Самарқанд давлат тиббиёт университети ректори Жасур Ризаев бошчи-лигидаги делегация Нагоя ва Токай минтақаси тиббиёт маркази раҳбари Матсуо Сеиничи ва Нагоя Университети "Ёш лидерлар дастури" асосчиси Ито Катуки билан учрашиб, олийгоҳлар ўртасида илмий-амалий фаолият бўйича икки томонлама музокаралар олиб борди. Мазкур келишувларга асосан 2023-2024 ўқув йилида бир қатор йирик лойиҳалар ҳамкорликда амалга ошириладиган бўлди.

Таъкидланганидек, Япония олий таълим муассасалари ва корхоналари билан ўрнатилган ҳамкорлик алоқалари тиббий таълим миллий тизими ва амалий соғ-лиқни сақлаш соҳаларини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

ЎЗА

ФИДОЙИЛИК

ОТА ЎҒЛИГА, УКА ЭСА ЎЗ АКАСИГА БУЙРАГИНИ БЕРДИ

Саккиз йилдан буён гемодиализ муолажасини олиб келаётган сир-дарёлик 22 ёшли бемор Олег Кимда буйрак трансплантацияси ўтказилди.



Гулистон тиббиёт кластерида бажа-рилган мазкур амалиёт академик В. Вохидов номидаги Республика ихти-сослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази бўлими мудир, тиббиёт фанлари номзоди А. Аҳмедов, мазкур му-ассаса врач-хирурги О. Тоиров ҳамда хи-рург-трансплантолог Ш. Тошмаматов бошчилигидаги маҳаллий мутахассислар томонидан амалга оширилди. Қарийб тўрт соат давом этган операция муваффақият-ли ўтди. Олег Кимга отаси Аркадий Ким донорлик қилди. Ҳозир беморнинг ҳам, донорнинг ҳам саломатлиги яхши. Уларда тегишли стандартлар асосида тиббий муо-лажалар давом эттирилмоқда. Жарроҳлик амалиёти билан боғлиқ харажатлар эса Дав-

лат тиббий сугуртаси жамғармаси томони-дан коплаб берилди.

Шунингдек, бундай амалиётларнинг навбатдагиси Навоий вилоятининг Зараф-шон шаҳар тиббиёт бирлашмасида Республика шошилич тиббий ёрдам ил-мий марказининг етакчи мутахассислари ҳамда маҳаллий шифокорлар ҳамкорлигида ўтказилди. 5 соат давом этган тиббий ама-лиёт давомида Зарафшон шаҳрида истиқо-мат қилувчи 37 ёшли Зарифжон Исоков ўз акаси, 44 ёшли Салоҳиддин Исоковга бир буйрагини берди.

Айни пайтда ака-укаларнинг са-ломатлиги яхши. Улар шифокор-лар назорати остида даво муолажа-ларини олмоқда.

ЭНГ КЎП УЧРАЙДИГАН НУҚСОН

БЕПАРВОЛИК... КЕЧ ТАШХИС... ЁКИ НОТЎҒРИ МУОЛАЖА...

Тугма маймоқлик – энг кўп учрайдиган ортопедик нуқсон. Ер юзида ҳар 1000 чақалоқдан 4 нафари шу даража билан дунёга келади. Мутахассислар бунинг ўзидан қорнидалигида болдир мушаклари ривожланмай қолиши билан изоҳланади.



Энг ёмони, бепарволик, кеч ташхис ёки нотўғри муолажа оқибатида мазкур нуқсон келгусида ногиронликни келтириб чиқармоқда. Ваҳоланки, замонавий тиббиёт ютуқла-

ри эндиликда бу нуқсонни жарроҳлик аралашувисиз, тез, осон ва самарали даволаш имконини бермоқда. Хусусан, юртимизда ҳам!

Маълумки, яқин йилларгача

туғма маймоқликни муолажа қилишда қўлланилган анъанавий усуллар етарли натижа бермаган, ҳатто кўп ҳолларда оғир асоратларни ҳам келтириб чиқарган. Энди эса хавотирланишга ҳолат

йўқ. Муассасамизда бу касалликни илғор хорижий давлатларда қўлланилаётган Понсети усулида даволашни ўзлаштирганмиз. Ушбу амалиёт, аввало, юқори самара беради. Кам инвазив. Бемор учун катта қийинчилик туғдирмайди ва сарф-харажатлар нархи ҳам анча арзон. Тузалиш муддати эса қисқа ва энг муҳими, асоратсиз. Шу билан бирга, беморни муолажадан сўнг реабилитация қилишга эҳтиёж йўқ, бу амалиёт уч босқичда бажарилмоқда. **Илк босқич** гипсдаш амалиётидан иборат. Бунда беморнинг тиззаси 90 градус букилган ҳолда бутун оёқ узунлиги бўйлаб гипс боғламлари қўйилади ва улар ҳар 5-7 кунда узлуксиз

алмаштириб борилади. **Иккинчи босқич**да маймоқликка хос асосий нуқсон – Ахилл пайи калталиги бартараф этилади. Пайни узайтириш жараёни терини кесмасдан, наркозсиз ва чоксиз амалга оширилади. Бу амалиётдан кейин бемор оёқларига яна 3 ҳафта давомида гипс боғлами қўйилади. **Сўнгги босқич**да маймоқ оёққа махсус мослама Брејслар тақилади. Бу касаллик қайталанишининг олдини олишга хизмат қилади. Мазкур жараён давомий бўлиб, бемор дастлабки 3 ой ичида сутканинг 23 соатида мазкур мосламани тақиб юриши зарур. Кейинчалик ушбу миқдор босқичма-босқич камайитириб борилади.

Эътиборли жиҳати, Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказида биргина жорий йилнинг ўтган даврида 600 нафар бемор Понсети усулида даволаниб, туғма маймоқликдан халос бўлди.

Муроджон ИРИСМЕТОВ,
Республика ихтисослаштирилган
травматология ва ортопедия илмий-
амалий тиббиёт маркази директори.

КЎЗ МИКРОХИРУРГИЯСИ МАРКАЗИ

БИР ЙИЛДА 16 МИНГГА ЯҚИН ОФТАЛЬМОЛОГИК ОПЕРАЦИЯЛАР ЎТКАЗИЛДИ

Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази – мамлакатимиз офтальмологиясининг етакчи муассасаси ҳисобланади.

2018-2022 йилларда марказ 4,5 млн АҚШ доллари қийматидаги 145 та юқори технологик тиббий ускуналар билан таъминланди. Юртимизда жами 49 турдаги офтальмологик касалликларни даволаш бўйича 172 турдаги тиббий хизматлар кўрсатишга эришилди. Ўтган давр мобайнида марказнинг деярли барча филиалларида катаракта факоэмульсификация, кўз олмасининг олди ва орқа қисмидаги барча турдаги лазер жарроҳлик усуллари, оптик когерент томография (ОКТ), ультратовушли биомикроскопия (УБМ) диагностика усуллари кенг татбиқ қилинди. Бунинг натижасида ўтказилган юқори технологик жарроҳлик амалиётлар сони авваллари йилига 10 000 га етмаган бўлса, 2022 йилда 16 000 дан ортиқ операция бажарилди.

Самарқанд, Қорақалпоғистон Республикаси ва Бухоро филиалларида илк бор кератопластика ва витреоретинал жарроҳлик усуллари амалиётга жорий этилди. 2023 йил август ойида Навоий вилояти филиалида илк бор кўз олмаси-

нинг олди ва орқа қисмидаги лазер жарроҳлик усуллари ва асоратли катаракта сунъий кўз гавҳарини кўз склерасига тикиш амалиёти бажарилди. Марказда республикада ягона бўлган диагностика ва даволаш сифатини назорат қилиш гуруҳи (даволаш назорати гуруҳи) ташкил этилган бўлиб, беморларга кўрсатилган тиббий ёрдам сифатини баҳолайди.

2018-2022 йилларда марказ мутахассисларининг 50 нафари Франция, Туркия, Арманистон, Австрия, Қозғистон, Латвия, Корея, Россия, Беларусь каби давлатларда малака оширди. Шунингдек, Россия, Туркия, Исроил, Ҳиндистон, Хитой каби мамлакатлардан келган 20 нафарга яқин мутахассислар иштирокида 1000 дан ортиқ мураккаб жарроҳлик амалиётлари ўтказилди. Президентимиз таклифига биноан, юртимизда ишлаб чиқарилган “Isuzu” русумидаги автобусларда 13 донга мобил поликлиника ташкил этилди ва 5 хил замонавий офтальмологик ускуналар билан жиҳозланди.



Улар ёрдамида ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармалари томонидан режа асосида ҳар ҳафта эҳтиёжга қараб маҳаллий мутахассислар шаҳар ва туманларда, ишлаб чиқариш корхоналарида аҳолини тиббий кўрикдан ўтказмоқда.

Азамат ЮСУПОВ,
Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси
илмий-амалий тиббиёт маркази директори

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

ИЛМ – ФАН РИВОЖИ ЙЎЛИДА ҚЎЙИЛАЁТГАН МУҲИМ ПОЙДЕВОР

Самарқанд давлат тиббиёт университети ва Абу Али ибн Сино номидаги Тожикистон давлат тиббиёт университети давлат таълим муассасаси ўртасида 2018 йил 24 октябрида ҳамкорлик шартномаси имзолаган эди.



Унда олий ўқув юрталари аро академик мобилликни йўлга қўйиш, ривожлантириш, фан ва таълим соҳаларидаги халқаро ҳамкорлик алоқаларни кенгайтириш, тиббий таълим ҳамда илмий соҳаларга инновацион усулларни жорий қилиш, илм-фан ва соғлиқни сақлаш амалиёти учун мутахассислар тайёрлаш даражасини ошириш мақсад қилиб қўйилган. Халқаро ҳамкорлик самарали давом этиши учун Самарқанд давлат тиббиёт университети ректори, профессор Жасур Ризаевнинг тегишли буйруғи асосида ва Абу Али ибн Сино номидаги Тожикистон давлат тиббиёт университети давлат таълим муассасаси ректори, профессор М. Гулзоданинг расмий таклиф хати билан, Самарқанд давлат тиббиёт университетининг бир гуруҳ профессор-ўқитувчилари ҳамда 2-сон ички касалликлар ва кардиология кафедраси

ўқитувчилари Г. Маджидова, Г. Суннатова, Д. Ҳайдарова ва Б. Тогаевалар Душанбе шаҳрида бир ҳафта давомида хизмат сафарида бўлишди.

Самарқанд давлат тиббиёт университетидан ташриф буюрган бир гуруҳ профессор ўқитувчилар мазкур таълим муассасасининг навбатдаги 69-халқаро илмий-амалий конференциясида иштирок этишди. Конференциянинг секция йиғилишида ва ички касалликлар фанлари бўйича секцион қисмида 2-сон ички касалликлар ва кардиология кафедраси ўқитувчиси Г. Маджидова ва Г. Суннатовалар ўз илмий маърузалари билан қатнашиб, сертификат олишга муваффақ бўлишди. Хизмат сафари давомида ўзбекистонлик иштирокчилар Тожикистон давлат тиббиёт университетининг 3-сон ички касалликлар кафедраси жойлашган клиникасига ташриф буюриб, у ерда академик мобиллик дастури асосида

“Ички касалликлар” фанидан маъруза ва амалий машғулотларни олиб боришди. Шунингдек, тиббиёт факултетининг 6-курс 55-60 гуруҳлари билан учрашув ўтказилиб, 2-сон ички касалликлар ва кардиология кафедраси ўқитувчилари Г. Маджидова, Г. Суннатова, Д. Ҳайдарова ва Б. Тогаевалар талабаларга режа асосида танлаб олинган мавзулар бўйича дарс машғулотларини ўтказишди. Бунинг баробарида машғулотлар давомида ички касалликларнинг долзарб муаммолари бўйича талабалар ҳамда Тожикистон давлат тиббиёт университети қошидаги 3-ички касалликлар кафедраси профессор – ўқитувчилари билан ўзаро фикр ва таъриба алмашишди.

Хизмат сафари давомида таълим муассасаси клиникаси базасида жойлашган симуляцион-ўқув маркази, кутубхона, ўқув зали, кафедралардаги ау-



диториялар билан танишилиб, талабалар билан суҳбатлар ўтказилди.

Маъруза ва амалий машғулотлар ўтказиш давомида кафедралар жойлашган клиникаларда, жумладан тиббиёт муассасаси клиникаси гематология, нефрология, кардиология ва гастроэнтерология бўлимларида даволанаётган беморларнинг касаллик тарихи ўрганилиб, биргаликда маслаҳатлар қилинди. Шунингдек, мутахассисларимиз ЭКГ, ЭхоКГ, УТТ, гемодиализ аппаратлари жойлашган хоналарнинг шароитлари би-

лан танишилишди. Шунинг билан бирга клиник ординаторлар учун маҳорат дарслари ташкил қилинди. Тожикистон давлат тиббиёт университети 3-ички касалликлар кафедраси мудир тиббиёт фанлари номзоди доцент К. Ураков ва кафедранинг профессор-ўқитувчилари билан ички касалликларнинг долзарб муаммолари, таълим, илмий ва ўқув услубий йўналишлар бўйича Самарқанд Давлат Тиббиёт Университети 2-сон ички касалликлар ва кардиология кафедраси ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Умид қиламизки, бу каби ўзаро халқаро ҳамкорлик икки давлат ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш билан бирга халқларимизнинг саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда мутахассислар таърибасини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Элеонора ТАШКЕНБАЕВА,
Самарқанд давлат тиббиёт университети қошидаги 2-сон ички касалликлар ва кардиология кафедраси мудир, тиббиёт фанлари доктори.
Музаффар АННАЕВ,
2-сон ички касалликлар ва кардиология кафедраси ўқитувчиси.

БОЛАЛАР МИЛЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ

ТЕЛЕМЕДИЦИНА ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

Болалар миллий тиббиёт марказида телемедицина орқали тегишли йўналишларда онлайн маслаҳат бериш йўлга қўйилди. Бу орқали нафақат вилоят, туман, шаҳарлар, балки қўшни давлатлардаги клиник шифохоналарда даволанаётган беморларга маслаҳат бериш мумкин..



Куни кеча Хоразм ва Самарқанд вилоятидаги марказ филиалида даволанаётган оғир ахволдаги беморларга телемедицина орқали онлайн маслаҳат берилиб, консилиум қилинди. Кейинги текшириш ҳамда даволаш чоралари келишиб олинди.

Шунингдек, қўшни Тожикистон Республикасининг пойтахти Душанбе шаҳрида жойлашган клиникада даволанаётган 2 ёшли бемор марказ ва маҳаллий мутахассислар иштирокида онлайн консилиум қили-



ниб, лаборатор ва инструментал текширувлари, беморнинг ҳозирги ҳолати ҳамда бошқа параметрлари билан танишилди.

Бемор қариндошлари та-

шаббуси билан Болалар миллий тиббиёт марказига қайта текшириш ва даволаш учун ётқизиладиган бўлди.

ЎЗА.

УСТОЗГА ЭХТИРОМ

2022 йилнинг ўрталарида тахририятимизга кўп йиллар давомида тиббиёт соҳасида фидойиларча меҳнат қилиб келган нуруний отахон Йўлдош Каримов кириб келдилар. Салом аликдан сўнг, мақсадларини баён этдилар.

Бундан 65 йил илгари Тошкент давлат тиббиёт институтини битириб, Қашқадарё вилоятининг Бешкент туманига ишга юборилдим. Манзилга келганимда, туман тиббиёт-санитария бирлашмаси (илгари Райздрав)нинг раҳбари Хафиз Хабибуллаевич Атауллаев очик чехра билан қабул қилиб, мени туманнинг Муғлон қишлоғидаги 15 ўринлик қишлоқ врачлик участка касалхонасига бош врач этиб, тайинлади. Бу ерда 3 ой ишлаганимдан кейин мени туман марказий касалхонасининг болалар бўлимига мудир лавозимига ўтказишди. Бу ерда 3 йил иш фаолиятим давомида Хафиз Хабибуллаевич биринчи устозим, ҳар томонлама менга ёрдам бериб, врач сифатида шаклланишимга йўл очди. 1960 йилда Тошкентга қайтиб маҳалла врач, шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимида инспектор, бўлим мудир, турли тиббиёт муассасаларида раҳбарлик лавозимларда ишлаб нафақага чиқдим. Мен Тошкентга ишга ўтганимдан бироз ўтиб, Х. Атауллаев Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи билан Тошкент шаҳрининг бир туманида соғлиқни сақлаш бўлимига мудир этиб ўтказилди. Шундан кейин тиниб-тинчимас Х. Атауллаев Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш бўлими мудир ва Жиззах вилояти ташкил этилиши муносабати билан вилоят соғлиқни сақлаш мудир вазифасига тайинланади. Бундан кейин Республика касабаси уюшмаси курортлар бўлими бошлиғи, қатор тиббиёт муассасалар раҳбари лавозимларида ишлаб нафақага чиқди. Хафиз Хабибуллаевич билан ҳозиргача мулоқотдамиз, устозим шу йили 2 сентябрда 90 ёшга қарши олдилар. Бу захматкаш, тиним билмас Қашқадарё, Сирдарё, Жиззахнинг чўл шамолларидан тўйиб нафас олиб, шунга яраша тер тўккан инсон ҳақида бир мақола ёзиб, сеvimли газетаимизнинг кўп сонли ўқувчиларига етказсам деган эдим. Ўзлари ҳам 90 ёшга яқинлашиб қолган отахоннинг тақдирларини қабул қилдик. Мақола босилиб чиқди. 2022-2023 йилларда отахоннинг устозлари профессор тиббиёт фанлари доктори З. Турсунов, тиббиёт фанлари доктор, профессор Б. Охунжонлар ҳақидаги мақолалари ҳам газетаимиз саҳифаларидан жой олди. Бу галги ташрифларидан мақсад, курсдошлари 90 баҳорни кўрган тиббиёт фанлари номзоди, фармаколог, асосий ишдан ташқари кўп ишлар кўлидан келган икки кўзлари кўрмай қолишига қарамай меҳнат қилаётган инсон Нигмат Эшмухамедов ҳақида маълумот бериш экан. *Йўлдош отанинг курсдошлари, сафдошлари ҳақидаги ҳайратомуз ишлари ҳақидаги воқеаларни эшитиб, бу ҳақда*

КОМИЛ ИНСОННИ КОИННОТДАН ИЗЛАМАНГ

У инсон сизнинг ва бизнинг заминдош ва замондошимиз



мақола ёзишга жазм қилдик. Йўлдош ота курсдошлари, тенгдошлари ҳақида билганларини сўзлаб бердилар. Институтни битирганимиздаги ўтган 66 йил давомида курсдошим Нигмат Эшмухамедов билан тўйларда, институтни битирганимизга 20 йил, 30 йил, 40 йил, 50 йил тўлиши муносабати билан ўтказилган тадбирларда учрашардигу, уйлари бормаган эдим. Курсдошим 90 ёшга тўлиши муносабати билан уйига бориб табриклашга отландим. Такси ҳайдовчисига манзилни айтган эдим, собиқ авиасозлар мавзеидаги Яссавий маҳалласи у ердаги эски шаҳардаги каби эски кўчалар, муюлишларни айланиб тўғри эшик тагига олиб борди. Нигмат аканинг ҳовлиси олти сотихли анвойи гуллар, дарахтлар экилган бўлиб, атрофда бир қаватли замонавий усулда қурилган хоналар ҳовлининг кун чиқар томонидаги Нигмат ака ўзи қурган сўрилар ва темир чорпоя, тепасида осилиб турган ток барглари, чорпояга офтоб нурларини туширмас экан. Чорпоядаги мева-чевалар билан тўлатилган хонтахта атрофига тақлиф этишди. Суҳбатимиз ўқиш йилларининг кийинчиликлари, муаммолари, институтни тугатгач, меҳнат фаолиятимиз курсдошларимиз ҳақидаги хотираларимизнинг кети йўқдек эди. Нигмат Аҳмедович Эшмухамедов 15 май 1933 йилда кўп фарзандлик ишчи Аҳмаджон ота оиласида дунёга келган. Мактабгача ва мактаб ёши II жаҳон уруши йилларига тўғри келиб, Нигмат ака ҳаёлига рўзгор ташвиши деган тушунча жуда эрта кирган. Уруш йиллари Тошкентнинг шарқи-жануби томонига кўчиб келган авиация заводининг чиқиндилари девор ортига ташланар ва узоқ вақт олиб кетилмас эди. Мактаб ўқувчиси Нигмат ўша чиқиндилар ичидан ўзига керакли бўлган симлар, те-

мир-терсакларни йиғиб маҳалладошларининг ишламай қолган ўша даврда ягона ахборот воситаси бўлган радиоларни узилиб қолган симларни тузатиб дуо олиб юрган. Физика, техникага қизиқиш айти шу йилларда шаклланиб. Жиянининг истеъдодини сезган тоғаси хизмат кўрсатган врач, I-марказий шифохона бош врач В. Шомирзаевнинг даъвати билан 7-синфни битириб Охунбобоев номли республика тиббиёт техникумига киради. Уни аъло баҳолар билан битириб, Тошкент давлат тиббиёт институтига ариза беради. Имтиҳонларни муваффақиятли топшираётган навбат физикага келганда имтиҳон олувчи доцент Саид Руми унинг саволларига аниқ, дадил жавоб беришини аъло баҳолаб, унга ўқиш даврида институт физика кафедрасида катта лаборантликка тақлиф этади. 1951 йил 1 сентябрдан ҳам талабаликка ҳам физика кафедрасининг лаборантлигига буйруқ чиқади. Тошкент давлат тиббиёт институтини битиргач, 1957-1959 йилларда Тошкент вилоятининг Қибрай тумани касалхонасида бош врач 1959-1961 йилларда авиация заводи тиббиёт санитария бўлими поликлиникасида маҳалла врач, 1961 йилда Ўзбекистон фанлар Академияси ўсимликлар химияси илмий текшириш институтининг фармакология лабораториясига илмий ходим вазифасига қабул қилинди. 1967 йилда Тошкент давлат тиббиёт институтининг фармакология кафедрасига ассистент лавозимига тайинланади ва шундан бошлаб Нигмат аканинг муаллимлик фаолияти бошланади. Шу ерда 1968 йилда илмий ишини яқунлаб, номзодлик диссертациясини ёқлаган. Давр тақозосига кўра, Нигмат ака оиладаги камчиликларни тўлдириш мақсадида, ўсимликлар химияси илмий текшириш институтидан таниши, ҳамкасби Қамариддин Нажмид-

динов билан бўш вақтларида биргаликда гулчилик, паррандачилик қайси соҳада бўлмасин ақлли заковати доирасида фикр юритиб ҳамкасбларига ёрдамни аямаган. Шу жумладан, стомотоло-

глар милкни массаж қилувчи микровибратор, рентгенологлар учун ошқозон-ичак йўллариининг ички рельефини аниқлашда ишлатиладиган рентген контраст ва SO4 нинг эмульсиясини тайёрлашнинг оддий самарадор алашмасини тақлиф этган. Техниканинг фидойиси меҳнатсевар, ихтирочи инсон ҳовлисида токарний устахона очиб, станок ўрнатган, бу мосламада ясалган автомобилларнинг турли қисмларини сифатли арзон нархда ясалгани учун харидори ҳам бўлган. “Бир йигитга қирқ хунар оз” деган мақолга амал қилиб, электр ишларини ҳам мохир устаси эди. Бу ҳақида Нигмат аканинг жияни Шамсиддин ўзининг “Билмаган иши йўқ” эсдаликларида куйидагиларни ёзади. Нигматжон акани элга танитган ва машҳур қилган хусусиятлари болаликдан намоён бўлган ҳайратомуз, ноёб туғма истеъдодлари техник қобилиятлари, кашфиётлари ва уларни беъминнат кўни-қўшнилари, қариндошлар, маҳалладошларга ишлатишларини ҳамма биларди ва уларни ҳурмат қилишар эди. 1952 йилда ён қўшниларииникида никоҳ базми кечаси чироқ ўчиб қолади. Шунда Нигматжон ака поезд проводникларининг қўл чироғи батареяларини йиғиб, 4-5 жойга ўрнатади ва базм давом этади. Кейинчалик ўша келин хожия келинони бу воқеани эслаб юрган. 1980 йилда шогирдлари Шухрат Қобуловни никоҳ тўйи Марғилонда ўтади. Тошкентдан борган меҳмонларга Нигматжон ака базм авжига чиққанида худди бу ерда электр устаси борлигини унинг маҳоратини синагандек чироқ ўчиб қолади. Уста Нигмат 2 та столни устма-уст қўйиб столга чиқади ва чироқни узилган жойидан улаб, базмда ўтирган 200 чоғлик меҳмонлар кўнглига чироқ ёқади. Пахта йиғим-терим мавсумида институт талабалари билан бирга Нигматжон ака ҳам сафар-

бар этилган. Талабаларнинг ишини назорати билан бирга колхознинг ишламай турган машиналарини юргазиб берганлар. Тоғаларининг ишхонасида ҳисобдан чиқаришга тайёрлаб қўйилган “Победа” енгил машинасини Нигматжон акага совға қилишади. Тоғам бир йил давомида ғилдирклари чириган, ички аъзолари занглаган эшиклари илма-тешик бўлиб кетган бир сиқим темирни ямаб-ясаб оёққа турғизади ва бу тирилган мурда 50 йил хизмат қилади. 1996 йилда асосий ишдан нафақага чиқиб, иккинчи хунарлари электрик, чилангар, моторист, автомашиналарнинг орқа қисми (кузов), юргизувчи қисмларини давом эттирадилар. Ҳаёт шони яқинлашар экан, хоҳлайсанми йўқми яшаб ўтган умрининг сарҳисобини қиласан, қилиб улгурган фойдали, савобли ишлардан мамнунлик, бажара олмаган ишларингдан афсусланиш ҳиссиёти миянгни чулғагаши аниқ. Нигмат ака ҳам ҳеч бўлмаса сўзлари билан зурриётларига йўл кўрсатишни ният қилиб, васиятомуз 36 банддан иборат насихатнома ёзганлар. Жумладан, Ота-оналарни ҳурмат қилиш (энди сизнинг ота-онангиз икки нафар), шу уйда бўладиган гапларни эшикдан ташқарига чиқарилмасин, кўни-қўшнилари чиқиб айтган ғийбат гапларни эшитманг, исрофгарчилик гуноҳ эканлигини доимо ёдда тутинг, оиладаги сирни эр-хотиндан бошқа ҳеч ким билмаслиги керак, меҳмон келса, бу мен томондан, улар у томондан, деб ажратманг. Тўрт нафар фарзандларини ўстириб, ўқитиб, олий маълумотли ҳаётда ўз ўрнини топа олган, ўзларига ўхшаган меҳнатсевар, ҳалол бўлишларига шароит яратган, эндиликда, 11-набира, 33 эваранинг сеvimли, ардоқловчи бобоси ҳеч нарасага муҳтожлари бўлмасада техникага доир ишларини давом эттирадилар. *Нигмат аканинг яна бир ихтиролари 35 йил бирга умргузаронлик қилган аёллари Раҳима опа касал бўлиб қолганларида, улар яшайдиган иккинчи қаватга чиқиш учун бир кишилик “қўлбола” лифт ясаб берганлар.* 2018 йилда Хаж амалини бажардилар. 2020 йилда Нигмат ака ҳаётда фожеа юз берди кўзлари кўрмай қолди. Фарзандларининг яқинларининг уринишлари бесамар бўлди. Буни Аллоҳнинг неъматини синовиде деб қабул қилган Нигмат Хожи ака станокда ишлашни тўхтатмадилар. *Бу ҳаётсевар инсоннинг навбатдаги кашфиётлари* болалар вақтини олмай деб, ҳовлидаги чорпоядан ўзлари яшайдиган уйнинг зинасигача бўлган 30 метрлик йўлни адашмай, қоқилмай босай деб, йўл четидagi деворга ёнма-ён симдор боғлаб, унга автобуслардаги каби ушлаб юрадиган халқа боғлаганлар. Бутун умри бўйи қийинчиликларга бардош бериб, ақлу-идроки билан олийгоҳни битириб ўз соҳаси бўйича ва иккинчи иқтисодии санаб адоғига етиб бўлмайдиган техник қобилиятга яраша фақат дуо, савоб умиди ҳозирда ҳам сабр билан

меҳнатларини тўхтатмаган Нигмат хожи акани “Ҳазрати инсон” десак хато қилмаган бўламиз. Чўзилиб кетган суҳбатимиз ниҳоясида Нигмат хожи акага муштахкам иймон, сабр, саломатлик бардавом умр, набира эваралар тўйида камарбаста бўлиб туришингизни Аллоҳдан сўрайман.

НИГМАТ ХОЖИ ОТА ҲАҚИДА ҲАМКАСБ ВА ФАРЗАНДЛАРИНИНГ САМИМИЙ ФИКРЛАРИ

Полина Сиднеевна, коллега:

— С НигматАхмедовичем мы познакомились в августе 1982 года. Когда нас пригласили во вновь созданную кафедру-клинической фармакологии Ташкентского фармацевтического института. Нас пригласила как высококвалифицированных специалистов. Я была терапевтом, он фармакологом. Нигмат Ахмедович оказался не только очень знающим фармакологом, но и прекрасным экспериментатором, хорошим человеком.

В ходе дальнейшей работы у клиницистов часто возникали вопросы по классической фармакологии, а у фармакологов по клинике. К нему можно было обращаться по любому вопросу и получить разъяснение. Будучи талантливым человеком НигматАхмедович быстро освоил мно-

гие науки. Своим трудолюбием, скромностью, добрым отношением к сотрудникам, большим, студентам завоевал большой авторитет.

Кроме того, мы с НигматАхмедовичем дружим семьями. Годы идут и конечно, не молодеет, к сожалению, видимся все реже-реже. Но в праздники, дни рождения созваниваемся и поздравляем друг-друга. А недавно мы вместе отметили его 90-летний юбилей! Нужно сказать что НигматАхмедович до этого возраста сумел сохранить ясный ум, прекрасную память, умение все делать своими руками (несмотря на плохое зрение), доброжелательность, неутомимость.

Желаю дорогому другу, коллеге долгих лет жизни! Пусть забота близких и родных людей окрыляет и дарит новые силы и эмоции. Пусть на душе всегда будет спокойно и тепло, а разум остаётся таким же светлым и проницательным. Вы являетесь примером для подражания для всех нас.

Абдулла Ишмухамедов, фарзанди, авиа борт оператори:

— Отам Аллоҳ берган техник тафаккур, ғайрат, шижоатлари натижасида мактаб ёшиданок, электр техникага қизиқиб, бу қизиқишлари Тошкент давлат тиббиёт институтини битириб

фармаколог, фан номзоди бўлганларида ҳам сўнмаган. Отамнинг электро-техника асбобларининг барчасини, автомобилларнинг керакли майда қисмларини яшаш даражасига етганлар. Адамларни элга машхур қилган нарсаси болалик йилларидаёқ аниқ намойён бўлган хайратомуз, ноёб, техник-инженерлик туғма истеъдодларидир. Улар маҳалла фаоли сифатида кўп нотинч оилаларни сақлаиб қолишга сабабчи бўлганлар. Адам “шу мартабага эришимнинг асосий сабабчилари, дуоларини мендан аямаган, мени тўғрилиққа, меҳнатсеварликка ўргатган отам-онам” — дейдилар.

Саъдулла Ишмухамедов фарзанди, нейрохирург, тиббиёт фанлари номзоди:

— Ҳар бир инсон ота сўзининг том маъносини албатта ота бўлганида бутунлай тушуниб етар экан. Мен учун эса адам ҳақиқий ота қандай бўлиши кераклигини кўрсатиб турган намунам десам асло муболага бўлмайди. Бизни тўғри ҳаёт йўлига солган, ҳар доим ҳар ҳолатда ҳақиқатни сўзлаш, инсонларни дилига озор бермаслик ва виждон амри билан иш кўриш каби ҳаётий фалсафаларини доим уқдирибгина қолмай амалда ҳам кўрсатган инсонлар. Адамда бўлган ғайрат, шижоат, ихтирочилик ҳали ҳамон бизда ва атрофдагиларда ҳавас



уйғотади. Шундай инсоннинг фарзанди эканлигидан жуда ҳам фахрланаман. Ҳали кўп йил худди ҳозиргидек маслаҳатгўйимиз, дуоғўйимиз бўлиб юришларини тилайман.

Файзулло Ишмухамедов, фарзанди, муаллим:

Падари бузрукворим Нигмат Ахмедович ўзларининг врачлик касбларидан ташқари техника соҳасида ҳам уларга тенг келадиган йўқ. Касбларига, техникага умуман меҳнатсевар, элпарвар, доимо одамлари ғами билан ҳаёт оилани эъзозлаш, фарзандларга тарбия беришда ҳам улардан ибрат олса бўлади. Отажоним уйимизнинг файзи, баракаси. Мен улар билан фахрланаман.

Севара Ишмухамедова, қизи, врач:

— Аввало, мен шу оилада дунёга келмаганимдан бахтлиман.

Тўрт фарзандни вояга етказиб, ейиш-ичиш ва кийинишда бирровлардан кам бўлмаганлигимиз, олий маълумот олишимиз учун шароит яратган, биринчи навбатда адам бўлсалар, уларни йўқларини бор қилиб, рўзгорнинг гор бўлмаслигига доимо елкадош бўлган меҳрибон, муниса онам Раҳима Лутфулла ота қизлари десам хато бўлмас. Улар аҳил-инок, мазмунли бир-бирларига ҳурматлари бекиёс бўлиб яшаб, бизларга ҳаёт дарсини бердилар. Онамларни Аллоҳ ўз раҳматига олишини, отамларга узоқ, соғлом умр, фарзандлар, невараси, эваралар, келинлар, куёвлар ардоғида уларнинг дуоғўйи бўлиб юришларини сўрайман.

**Суҳбатни журналист
Ибодат СОАТОВА
ёзиб олди.**

ИМКОНИАТ

Болаларни қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан Бухоро вилоятида истиқомат қилувчи эҳтиёжманд, кам таъминланган, оғир шароитга тушган оилалардаги бемор болаларга консултив ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида навбатдаги “Эзгулик манзили” хайрия акцияси ўтказилди. Бу акцияга Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасининг тажрибали мутахассислари жалб этилди.



“ЭЗГУЛИК МАНЗИЛИ” акцияси Бухорода



Акциянинг биринчи кунини Ғиждувон туманидаги болалар шифохонасида ташкил этилди. Унда 216 нафар болага бирламчи тиббий-кўрик амалга оширилди. Жумладан, отоларинголог (24), пластик хирург (31), окулист (33), кардиолог (48) қабулларида мурожаат қилувчилар сони кўп бўлди. Аксарият беморларга шу ернинг ўзида консултациялар берилди. Ҳолати мураккаб деб баҳоланган бемор болажонларни вилоят миқёсида операция қилиш чоралари ҳам кўрилди.

Таъкидлаш жоиз, ушбу лойиҳанинг илк акцияси ҳам 2022 йил ушбу туманда кўтаринки руҳда ташкил этилган эди. Туман ҳокимлиги, кенг жамоатчилик ва саховатпеша инсонларнинг қўмаги билан бир нечта эҳтиёжманд оила фарзандлари-

нинг бепул даволаниши учун қўлай имконият яратилган эди. Болаларни қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан бу каби акциялар республикамиз бўйлаб мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. Шу кунгача, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Андижон, Тошкент, Хоразм, Фарғона, Қашқадарё ва Сурхондарё, Наманган, Навоий, Жиззах вилоятларида ўтказилиб, жами 4600 дан ортиқ болалар тиббий кўрикдан ўтказилди, шу ернинг ўзида операция қилиниб, уларни реабилитация қилиш чора-тадбирлари уюшган тарзда юртимиз ва хорижлик шифокорлар иштирокида амалга оширилди. Акциянинг иккинчи кунини Бухоро вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида давом эттирилди. Унда 750 га яқин бемор болалар ва уларнинг

ота-оналари ташриф буюришди. Биринчи босқичда барча болалар чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Шифокорларнинг тавсия ва ҳулосалари асосида айрим болаларга шу ернинг ўзида, 78 нафар болада операция амалиётлари олиб борилди. Қолган болаларда эса бу жараёнлар босқичма-босқич амалга оширилади. Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг ота-оналари эса бу мурувват ёрдамидан мамнун бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан таш-

хайрия ёрдамлари, операция харажатлари тўлиқ қоплаб берилди. Ҳозир ўтказилган акция доирасида ҳам Жамоат фонди томонидан нафақат болаларни операция қилиш, балки уларни соғломлаштириш, зарур дори воситалари билан таъминлаш каби харажатлар ҳам тўлиқ қоплаб берилмоқда.

Эътирофлиси, Жамоат фонди томонидан нафақат юртимиз, балки хорижий клиникалар билан ҳам ҳамкорлик меморандумлари имзоланган. Бу келишув доирасида ҳам қатор ижтимоий-тиббий лойиҳаларини амалга ошириш кўзда тутилган. Ҳозирда 62 нафар бемор болалар хорижий нуфузли клиникаларида даволанишмоқда.

Албатта, бу каби ижтимоий акцияларнинг доимий равишда ўтказилаётганлиги бемор болажонларни тўлиқ даволаш, уларни тенгдошлари каби соғлом ҳаётга қайтариш йўлидаги эззу амаллардан бири ҳисобланади.

**Намоз ТОЛИПОВ,
журналист.**

НОВОСТИ В МЕДИЦИНЕ

Исследование людей, испытавших остановку сердца, дает представление об околосмертных переживаниях. Ученые, которые отслеживали мозговые волны пациентов, перенесших сердечно-легочную реанимацию (СЛР), обнаружили, что у некоторых выживших остались положительные воспоминания и ощущения, похожие на сны.

Впервые в своем роде исследование, опубликованном в четверг в журнале Resuscitation, ученые из США, Британии, Болгарии наблюдали за 567 людьми, перенесшими реанимацию при остановке сердца в 25 различных больницах трех стран. При остановке сердца выживают менее 10 процентов пациентов, даже когда врачи готовы провести СЛР. В отличие от сердечного приступа, при котором сердце продолжает биться, несмотря на болезненное снижение кровотока, человек при остановке сердца всегда находится без сознания. СЛР – единственный способ сохранить ему жизнь до тех пор, пока сердце не вернется к нормальному ритму с помощью дефибриллятора.

Группы обученного персонала в 25 больницах следовали за врачами в палаты, где у пациентов была зафиксирована остановка сердца, сказал ведущий автор исследования, доцент Медицинской школы Гроссмана Нью-Йоркского университета Сэм Парния. Пока врачи проводили СЛР, исследовательские группы прикрепляли к голове умирающего устройства, измеряющие кислород и электриче-

скую активность. Средняя попытка реанимации длилась от 23 до 26 минут. Ученые обнаружили гамма-, дельта-, тета-, альфа- и бета-волны, предполагающие наличие некоторых психических функций во время СЛР.

"Нет ничего более экстремального, чем остановка серд-

ном опыте. Несколько пациентов вспоминали аспекты медицинского лечения, такие как боль, давление или реплики врачей. Другие вспоминали ощущения, похожие на сон, например, когда их преследовала полиция или они попадали под дождь. У некоторых выживших остались

Впервые исследованы переживания людей во время остановки сердца

ца, потому что люди буквально балансируют между жизнью и смертью, они находятся в глубокой коме и вообще не реагируют на нас физически", - сказал Парния.

Позже исследователям удалось опросить 28 из 53 выживших. Только 11 пациентов сообщили, что находились в сознании во время СЛР, и только шесть сообщили об околосмерт-

положительные воспоминания, например, видение света, туннеля или кого-то из семьи, а также ощущение сильных эмоций, таких как любовь, спокойствие и мир. У других, однако, было чувство отделения от тела и осознание того, что они умерли, или у них были иллюзии о монстрах или безликих фигурах.

Парния сказал, что это можно интерпретировать по-разному:



вы атеист, вы говорите: "Я видел это невероятное существо любви и сострадания". Обо всем этом сообщалось уже более 60 лет".

Главный вывод этого исследования заключается в том, что у выживших могут сохраняться некоторые воспоминания о СЛР, что для некоторых может быть источником эмоционального стресса, сказала NBC News доктор Кэтрин Берг, доцент медицины Гарвардской медицинской школы и руководитель группы авторов исследования..

"Если вы христианин, вы говорите: "Я видел Иисуса", а если

"Я надеюсь, что подобные исследования побудят врачей расспрашивать людей, переживших остановку сердца, об этих воспоминаниях и переживаниях и оценивать наличие посттравматического стресса или других психологических симптомов, на которые, возможно, потребуется обратить внимание", - заключила Берг.

Максим МАКАРЫЧЕВ.

НОВЫЙ АНТИБИОТИК СПРАВЛЯЕТСЯ СО ШТАММАМИ БАКТЕРИЙ, РЕЗИСТЕНТНЫМИ К ИМЕЮЩИМСЯ ПРЕПАРАТАМ

Устойчивость некоторых микроорганизмов к антибактериальным препаратам – серьезная проблема современного здравоохранения.

Ученые возлагают надежду на новый антибиотик кловибактин, разработка которого ведется специалистами нескольких стран. Благодаря необычному механизму действия этот препарат, полученный из ранее неизученных бактерий, способен разрушать даже супербактерии, устойчивые ко всем известным антибиотикам. Лекарственное средство было обнаружено и изучено учеными из Утрехтского университета в Нидерландах, Боннского университета в Германии, Немецкого центра инфекционных исследований, Северо-Восточного университета в Бостоне и NovoBiotic Pharmaceuticals в Кембридже, штат Массачусетс, результаты опубликованы в журнале Cell.

"Поскольку кловибактин был выделен из бактерий, которые ранее нельзя было вырастить в лаборатории, патогенные бактерии прежде не сталкивались с таким антибиотиком и не

успели развить устойчивость к нему", - говорит в пресс-релизе Маркус Вайнгарт, доктор медицинских наук, исследователь химического факультета Утрехтского университета. Исследователи выделили кловибактин из песчаной почвы в Северной Каролине и изучили его с помощью устройства iChip, которое было разработано в 2015 году, позволяющее культивировать микроорганизмы, которые ранее не могли быть выращены. Этот метод позволил им вырастить "бактериальную темную материю", так называемые некультивируемые бактерии, к которым принадлежат 99% микроорганизмов.

В 2020 году с помощью этого устройства был разработан антибиотик тейксобактин - один из первых по-настоящему новых антибиотиков за последние десятилетия и эффективный против грамположительных бактерий. Механизм действия тейксобактина аналогичен работе кловибактина. В статье

Cell исследователи рассказали, о нескольких механизмах действия кловибактина, и что новый антибиотик успешно лечил мышей, инфицированных супербактерией золотистого стафилококка. Кловибактин проявлял антибактериальную активность в отношении широкого спектра грамположительных патогенов, включая устойчивый к метициллину золотистый стафилококк, резистентные к даптомицину и ванкомицину штаммы золотистого стафилококка, а также трудно поддающиеся лечению устойчивые к ванкомицину фекальные энтерококки.

Кловибактин действует не на одну, а на три молекулы, необходимые для построения бактериальных стенок: C55PP, липид II и липид IIIWTA, которые образуются различными путями биосинтеза клеточных стенок. Кловибактин связывается с пиррофосфатной частью этих предшественников. "Кловибак-

тин обволакивает пиррофосфат, как плотная перчатка, образуя клетку, которая окружает цель", - говорит Вайнгарт. Именно этот механизм действия и дал кловибактину его название, которое происходит от греческого слова klouvi, означающего клетку. Уникальностью механизма действия кловибактина является то, что он связывается только с неизменной частью клетки – пиррофосфатом, который является общим для предшественников клеточной стенки. Таким образом, бактериям гораздо труднее выработать устойчивость к препарату. "На самом деле, в наших исследованиях мы не наблюдали никакой резистентности к кловибактину", - подтверждает Вайнгарт.

После связывания моле-

кул-мишеней антибиотик аккумулируется в крупные фибриллы на поверхности бактериальных мембран. Эти фибриллы стабильны в течение длительного времени, что гарантируют изолированность молекул-мишеней до тех пор, пока это необходимо для уничтожения бактерий. Кловибактин нацелен на клетки бактерий, но не на клетки человека, поэтому ученые не ожидают значительных побочных эффектов от нового антибиотика. "Поскольку эти фибриллы образуются только на мембранах бактерий, а не на мембранах человека, они, вероятно, также являются причиной того, что кловибактин избирательно повреждает бактериальные клетки, но не токсичен для клеток человека", - отмечает ученый.



На очереди – исследования нового антибиотика на пациентах.

Марина КЫН,
Медицинская газета, № 36, 2023 г.

АКТУАЛЬНАЯ ТЕМА

Связь между структурой гена, кодирующего белок теплового шока, и течением ишемического инсульта обнаружили специалисты Белгородского государственного университета в составе научного коллектива. Выявленные закономерности, по их словам, могут быть полезны в медицине для предсказания тяжести инсульта и длительности восстановления после него. Результаты исследования опубликованы в Genes.

Ишемический инсульт – патологическое состояние мозгового кровообращения, которое приводит к повреждению тканей головного мозга. Именно его последствия являются наиболее распространенной причиной смерти согласно статистике ВОЗ. Ученые объяснили, что причины возникновения этого заболевания могут быть обусловлены как внешними факторами, так и генетикой пациента. В стрессовой ситуации, в том числе и при инсультах, чтобы минимизировать урон клеткам организма, активируются белки теплового шока. При инсульте они помогают белкам тканей мозга снова принять нужную геометрическую структуру и предотвращают их слипание, которое может привести к летальным последствиям. Исследователи Белгородского государственного университета совместно с российскими и британскими коллегами доказали

прямую связь последовательности гена, отвечающего за выработку белка теплового шока HSP70, и особенностями протекания и восстановления после ишемического инсульта.

«Мы брали образцы ДНК у

несколько оснований у большого

числа людей в одной и той же позиции в последовательности. Разные вариации одного гена называются аллелями.

Нашли ген, отвечающий за тяжесть инсульта



та. По словам ученых, это поможет точнее прогнозировать течение болезни и корректировать лечение. Специалисты

пояснили, что чаще всего последовательность одного и того же гена одинакова, однако нередко наблюдается явление полиморфизма – отличия в одно или не-

скольких оснований у большого числа людей в одной и той же позиции в последовательности. Разные вариации одного гена называются аллелями. «Мы брали образцы ДНК у

несколько оснований у большого числа людей в одной и той же позиции в последовательности. Разные вариации одного гена называются аллелями.

лиморфизмом HSPA8 и ишемическим инсультом невозможно. Однако при рассмотрении подгрупп, например только мужчин или только курящих испытуемых, можно с

Исследователи Белгородского государственного университета совместно с российскими и британскими коллегами доказали прямую связь последовательности гена, отвечающего за выработку белка теплового шока HSP70, и особенностями протекания и восстановления после ишемического инсульта.

точностью определить аллели, которые указывают на высокий риск инсульта и очень тяжелое его течение.

«Результаты исследования будут иметь практическое значение. При постановке диагноза "ишемический инсульт" пациенту с заранее определенным видом белка теплового шока можно будет сразу же подобрать правильный уход, даже при отсутствии признаков отнесения его к тяжелообольным, понимая, что эту патологию он перенесет очень тяжело», – отметил Дейкин.

По его мнению, в то же время работа является и фундаментальным исследованием, поскольку позволяет приблизиться к пониманию взаимосвязи генотипа и фенотипа человека.

Ria.ru.

ИЗ-ЗА ПЕРЕНЕСЁННОЙ «НА НОГАХ» АНГИНЫ МОГУТ БЫТЬ ОСЛОЖНЕНИЯ

Почки являются одним из важнейших органов в организме человека, так как обеспечивают нормализацию давления, вывод шлаков и токсинов, а также контроль элементов крови. Постоянно испытывая нагрузки, они подвергаются различным патологиям.



Заведующий консультативно-диагностическим нефрологическим отделением ГКБ Владимир Виноградов предупредил, что, если ангину переносить «на ногах», могут возникнуть проблемы с почками.

«В итоге при рецидивирующих ангинах можно заподозрить хронический гломерулонефрит», – сообщил врач.

По его словам, сама по себе хроническая болезнь почек – это не самостоятельный диагноз, а следствие. Зача-

стую, этим как раз страдают молодые люди, которые не долечивают заболевание до конца.

Вначале болезнь почек никак себя не проявляет, отметил Виноградов. Симптомы появляются лишь при пятой стадии, в преддиализном периоде.

Врач призвал также с осторожностью принимать обезболивающие – эта группа препаратов может привести к болезням почек. «Не стоит

забывать и о действии лекарственных средств на почки. Это всеми любимые наши препараты – нестероидные противовоспалительные, обезболивающие. К сожалению, вся эта группа препаратов является нефротоксичной. Бесконтрольное применение этих препаратов может привести также к развитию нефропатии».

Виноградов подчеркнул, что почки – «молчаливый орган».

Боль при нефрологических патологиях появляется лишь в случае мочекаменной болезни или инфекционного процесса. Другие заболевания могут развиваться бессимптомно.

Russian.rt.com.

ЭЪЛОН

**Республика ихтисослаштирилган эпидемиология,
микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар
илмий-амалий тиббиёт марказининг
ВИРУСОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сон қарорига мувофиқ, Олий таълимдан кейинги таълим шакли ҳисобланган таянч докторантурага (PhD) 14.00.10 – Юқумли касалликлар ихтисослиги бўйича – 1 ўрин, 03.00.04 – Микробиология ва вирусология ихтисослиги бўйича – 3 ўрин, докторантурага (DSc) 03.00.04 – Микробиология ва вирусология ихтисослиги бўйича – 1 ўрин ва мустақил изланувчиликка (PhD, DSc) 14.00.10-Юқумли касалликлар ва 03.00.04-Микробиология ва вирусология ихтисосликлари бўйича 2024 йил учун ҳужжатларни Ягона электрон тизими (<https://phd.mininnovation.uz>) орқали

**2023 йилнинг 15 сентябридан 15 октябрга қадар
ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**

**Государственная научная медицинская библиотека
Министерства здравоохранения Республики Узбекистан**



ГОСУДАРСТВЕННАЯ НАУЧНАЯ
МЕДИЦИНСКАЯ БИБЛИОТЕКА
МИНИСТЕРСТВА ЗДРАВООХРАНЕНИЯ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

предлагает вашему вниманию Обзор электронных книг

Книги ученых Узбекистана



1. Раббимова Д.Т. (Rabbimova D.T.) Нарушение электрической систолы у детей при миокардитах/ Д.Т. Раббимова, Ш.М. Ибатова, Ф.А. Ачилова.- Самарканд, 2022.- 92 с.
2. Абдуллаева Н.Н. (Abdullaeva N.N.) Эпилепсия и эпилептические пароксизмы в гериатрической практике/ Н.Н. Абдуллаева.- Ташкент, 2017.- 148 с.
3. Кадилов Ж.Ф. (Kodirov J.F.) Болаларда ОИВ-инфекциясининг клиник-лаборатор хусусиятлари/ Ж.Ф. Кадилов, Ф.Ш. Маматмусаева.- Самарканд, 2022.- 108 б.
4. Agababayan I.R. Klinik farmakologiya: Darslik/ I.R. Agababayan.- Samarqand, 2022.- 296 b.
5. Genetika: Qo'llanma/ D.D. Aliyev, Z.B. Islamova, G.M. Matkarimova va boshq.- Samarqand, 2022.- 218 b.
6. Искандаров Т.И. Альманах санитарно-эпидемиологической службы Республики Узбекистан.- Ташкент, 1994.-176 с.: фото

Доступна для чтения Эл версия книг




Обзор литературы "Новое поступление"

1. Неотложные состояния у новорожденных детей. Руководство для врачей/ О.В. Ионов, Д.Н. Дегтярев, А.Р. Киртбая, 2020

2. Неотложная помощь новорожденным на догоспитальном этапе: Учебное пособие, 2016
3. Фрэнк Г. Неттер. Черепные нервы/под ред. А.Н. Боголеповой, 2020
4. Киршняк А., Франк А. Грандерат, Древе У. Эндоскопическая хирургическая анатомия. Топография для лапароскопии, гастроскопии и колоноскопии, 2014
5. Кильдиярова Р.Р., Макарова В.И. Поликлиническая и неотложная педиатрия: учебник.-2-е изд., испр. и доп, 2021
6. Периоперационное ведение пациентов с сопутствующими заболеваниями: Атлас/ под ред. И.Б. Заболотских, 2019
7. Понятишин А. Е. Неонатальная электроэнцефалография, 2021

Бюллетень ВОЗ



Государственная научная медицинская библиотека (является Центром документации ВОЗ в Узбекистане с 1996 года) получает Бюллетень ВОЗ в бумажном формате Журналы в общем хранении с 1971-1991 гг. (Депозитарный фонд)
Архив журнала Bulletin of the World Health Organization = Бюллетень ВОЗ на англ с 2006 по 2022 гг.

Эл фонд ГНМБ РУз
<https://Uzmedlib.uz>
[@uzmedlibuz](https://uzmedlibuz)

Лола ЭРГАШЕВА,
Заместитель директора
Государственной научной медицинской библиотеки
Министерства здравоохранения Республики Узбекистан.



Газета муассиси:
Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги

ISSN 2010-6149.
Электрон манзилими: www.uzssgzt.uz

Бош муҳаррир
Амрилло ИНОЯТОВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг пайшанба кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда "O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Zdravooxranenie Uzbekistana" газетасидан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган кўлөзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газета 2009 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0015-рақами билан рўйхатга олинган.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи: Нарзулла Ҳамроев
Таҳририят манзили: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30 уй, 2-қават. Тел/факс: (71)233-13-22, тел.: (71)233-57-73.
Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41 уй Тел/факс: (71)233-11-07.

Газета ҳажми
2 босма табоқ.
Формати А3. Офсет усулида чоп этилган.

Адади - 692 дона.
Буюртма рақами Г-935.

Босмаҳонага
топирилиш вақти:
21-00. 3 4 5 6 7
Топирилди 20-00.